

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШАЙЗАКОВА НИГОРА САЙДАРИФОВНА

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ АНЪАНАЛАР ВОСИТАСИДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК
ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.08 - Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Шайзакова Нигора Сайдарифовна

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ижтимоий-маданий анъаналар
воситасида бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш..... 3

Шайзакова Нигора Сайдарифовна

Развитие художественно-эстетического потенциала детей старшего
дошкольного возраста через социокультурные традиции.....25

Shayzakova Nigora Saydarifovna

Development of artistic and aesthetic deserve of preschool adult children
through social and cultural traditions.....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 53

**МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИРЕКТОР ВА
МУТАХАССИСЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ Ph.D.12/30.12.2019.Ped.80.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ШАЙЗАКОВА НИГОРА САЙДАРИФОВНА

**МАКТАБГАЧА КАТТА ЁШДАГИ БОЛАЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ АНЪАНАЛАР ВОСИТАСИДА БАДИИЙ-ЭСТЕТИК
ЛАЁҚАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.08 – Мактабгача таълим ва тарбия назарияси ва методикаси

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD/Ped.872 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент давлат педагогика университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.mdomoi.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Салиева Зухра Тахировна
педагогика фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Мажидова Раъно Уришевна
филология фанлари доктори, профессор

Бердалиева Гуласал Абдуқундузовна
педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Чирчиқ давлат педагогика институти

Диссертация ҳимояси Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.12/30.12.2019.Ped.80.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил 18 февраль куни соат 10-00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100070, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871)150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz).

Диссертация билан Мактабгача таълим ташкилотлари директор ва мутахассисларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№19-рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100070, Тошкент шаҳри Яккасарой тумани, Юсуф Хос Хожиб кўчаси 64-уй. Тел.: (99871) 150-01-27; факс: (99871) 150-01-27; e-mail: info@mdomoi.uz.

Диссертация автореферати 2022 йил 3 февраль куни тарқатилди.
(2022 йил 3 февралдаги 1-рақамли реестр баённомаси).



Қ. Т. Олимов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, педагогика фанлари доктори, профессор.

Ш.С Шарипова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори(PhD).

Ф.Р Қодирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, педагогика фанлари доктори, профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда мактабгача ёшдаги болаларни эрта таълим босқичида бадий-эстетик лаёқатини ривожлантириш, ижтимоий-маданий анъаналар воситасида тарбияланувчиларда ижодий компетенцияларни таркиб топтиришга алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Айниқса, “арт-терапия”га устуворлик бериш асосида тарбияланувчиларда ўз-ўзини намоён этиш, ўз имкониятларини ёрқин намоён қилиш, “ўз-ўзига ишонч”, “ўз-ўзини баҳолаш” сифатларини ривожлантириш муҳим долзарблик касб этади. Шу сабабли, мактабгача таълим ташкилотларида ривожлантирувчи таълим муҳитини кенгайтириш, бола ривожланиш соҳаларига кластерли ёндашувни кенг жорий этиш, таянч компетенцияларни шакллантиришда мажмуавийлик ва индивидуаллик тамойилларини қарор топтириш муҳим аҳамият касб этади.

Дунёда интеграллашган фаолиятлар асосида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг эстетик компетенциясини шакллантириш, қўшимча таълим асосида бадий ижодкорликни таркиб топтириш, гендер-кластерли ёндашув асосида болаларнинг бадий-эстетик лаёқатини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, арттехнологияларни самарали қўллаш асосида тарбияланувчиларнинг билиш компетенциясини шакллантириш, тарбияланувчиларнинг ижтимоий мослашуви учун мақбул шарт-шароитлар яратиш орқали уларда адаптив хулқ-атвор кўникмаларини шакллантириш, креатив фикрлаш кўникмаларини таркиб топтириш орқали санъатга қизиқишларини жадал ривожлантиришнинг методик тизимини такомиллаштириш каби устувор йўналишларда илмий изланишлар олиб бориш зарур.

Республикамизда мактабгача таълим тизимини инновацион ёндашувлар асосида ривожлантиришнинг ташкилий-методик механизмларини такомиллаштиришга катта эътибор қаратилди. Шунингдек, “Илк қадам” мактабгача таълим ташкилоти ўқув дастурига мувофиқ, тарбияланувчиларда санъатнинг муайян турини афзал кўришини мустақил равишда ифодалай олиш, эгалланган билим ва кўникмалардан турли ҳаётий вазиятларда ўз ижодий режаларини тузиш ва татбиқ қилиш учун фойдаланиш, инсоннинг дунёни ўзгартиришдаги яратувчанлик ролини тушуниш кўникмаларини ривожлантириш йўлга қўйилди. Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида “Мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, эстетик ва жисмоний жиҳатдан ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мактабгача таълим тизимига инновацияларни, илғор педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш”¹ каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан,

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги Қарори.

мактабгача катта ёшдаги болаларда ижтимоий-маданий анъаналар воситасида бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш, бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикасини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 16 декабрда қабул қилинган “Мактабгача таълим ва тарбия тўғрисида” ги ЎРҚ-595-сон Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 апрелдаги ПҚ-3651-сон “Мактабгача таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” ва 2019 йил 8 майдаги ПҚ-4312-сон “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон “Мактабгача таълим муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мактабгача катта ёшдаги болаларда маънавий-ахлоқий, эстетик сифатларини шакллантириш, атроф-муҳитга масъулиятли муносабатни таркиб топтириш, иккинчи тилга ўргатиш орқали когнитив-ижодий саводхонлигини ошириш масалалари республикамиз олимларидан Ф.Қодирова, Ш.Шодмонова, Д.Бобоева, Ф.Валихўжаева, К.Мамедов, Н.Маҳкамова, Д.Собирова, М.Халимова, Т.Чаброва, Н.Режаметова, З.Азизовалар томонидан тадқиқ этилган.

Мустақил давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) олимларидан Т.Бойко, Т.Гайворонская, Г.Губа, Н.Додокина, В.Зябкина, И.Киселева, Р.Решетникова, Е.Таранова, Л.Труфанова, С.Чечина, А.Чурашов кабиларнинг тадқиқотларида мусиқа-театр фаолияти орқали мактабгача катта ёшдаги болаларда мусиқий қобилиятни шакллантириш, театр фаолияти асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда эмпатияни ривожлантириш, этномаданиятни тарбиялаш, оилавий театр орқали оиланинг тарбиявий имкониятларини ошириш, халқ педагогикаси асосида оилада болаларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш масалалари ёритиб берилган.

Хорижлик олимлардан Р.Бикер-Вайт, Э.Безани Члое, Н.Т.Голдман, Д.Зубейде, Т.Д.Коллен, М.Моррис, Чрисси Иоанноу кабиларнинг илмий изланишларида мактабгача ёшдаги болаларни бадиий-эстетик, ахлоқий ривожлантиришнинг методологик ва методик жиҳатлари ўрганилган.

Бироқ ижтимоий-маданий анъаналар воситасида миллий идентиклик ва миллатлараро толерантлик уйғунлиги асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг методик тузилмаси, гендер-кластерли ёндашув асосида мактабгача таълимда бадиий-эстетик фаолиятни ташкил этишнинг методик тизимининг ишлаб чиқилмаганлиги мазкур йўналишда махсус илмий изланиш олиб боришни тақозо этади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ОТ-Ф1-008 “Мактабгача таълим тизимини ривожлантиришнинг концептуал-методологик масалалари” (2017-2020 йй.) фундаментал лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мактабгача катта ёшдаги болаларда ижтимоий-маданий анъаналар воситасида бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг методик шарт-шароитларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг тузилмаси ва компонентларини аниқлаштириш;

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаштириш;

ижтимоий-маданий анъаналар воситасида тарбияланувчиларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш моделини ишлаб чиқиш;

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикасини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри, Тошкент вилояти, Сурхондарё вилоятидаги мактабгача таълим ташкилотларининг 210 нафар респондент-тарбияланувчилари жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети мактабгача катта ёшдаги болаларда ижтимоий-маданий анъаналар воситасида бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш мазмуни, шакл, метод ва воситалари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда унинг мақсади ва вазифаларига мувофиқ келувчи кузатиш, суҳбат, арт-терапия, ритмик ва мусиқий топшириқ, мусобақалашув лаҳзалари, ўйин вазиятлари, моделлаштириш, қиёслаш, тажриба-синов ва математик-статистик таҳлил методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг ташкилий-функционал тузилмаси мотивацион,

когнитив, фаолиятга доир, реал шароитда ундовчи, ўқув-билиш каби таркибий асосларни бадиий таълим-тарбия жараёнлари билан интернал қайта алоқага киришув даражаси барқарорлигини таъминлаш орқали аниқлаштирилган;

бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари ижтимоий-маданий анъаналарга қизиқиш уйғотиш, диалогик муносабат, ритмик ҳаракатларга муқобиллиги ва мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи гендер-педагогик элементларни интегратив фаолиятларни лойиҳалаш жараёнларининг продуктивлигини белгилашга хизмат қилувчи мактабгача ёшдаги боланинг “акме” мойиллигини ҳисобга олиш орқали аниқлаштирилган;

ижтимоий-маданий анъаналар воситасида тарбияланувчиларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш модели интеграллашган ва ритмик фаолиятларни арт-терапиянинг ўйинли ва рақсли импровизацияси билан ички интерналлашувини таъминлаш, репродуктив ва продуктив методларнинг комбинациясини жамоавий ижодий фаолиятда тизимли қўллаш орқали ишлаб чиқилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикаси интеграл фаолиятни ташкил этишнинг кооперативлик даражасини бевосита ҳисобга олиш, педагогик кластерни шакллантириш, сюжетли-ўйинли ва образлилик асосида бадиий-эстетик саҳналантириш, арт-терапия каби инновацион таълим методларидан мақбул фойдаланиш орқали такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш мезонлари ва кўрсаткичлари ишлаб чиқилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришга компетенциявий ёндашувни жорий этишга доир услубий тавсиялар ишлаб чиқилган;

мактабгача таълим ташкилотининг катта гуруҳларида қўллаш учун “Ритмик мозаика” кўшимча таълим дастури ишлаб чиқилган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикаси таълим амалиётига жорий этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўлланилган ёндашув, усуллар илмий-методик асосланганлиги, назарий маълумотларнинг расмий манбалардан олинганлиги, келтирилган таҳлиллар, тажриба-синов ишлари самарадорлиги математик-статистик методлар воситасида аниқланганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги ҳамда ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасининг илмий аҳамияти мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш тузилмаси, компонентлари, мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, мазмуни ва моҳиятинининг

ёритиб берилганлиги, компетенциявий, гендер, кластер ёндашувларнинг тарбияланувчиларда бадий-эстетик лаёқатни ривожлантириш имкониятларини очиб берилганлиги, мактабгача катта ёшдаги болаларда бадий-эстетик лаёқатни ривожлантиришга таъсир этувчи омилларни таҳлил этилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижасининг амалий аҳамияти ижтимоий-маданий анъаналар воситасида тарбияланувчиларда бадий-эстетик лаёқатни ривожлантириш модели, унинг блокларининг ишлаб чиқилганлиги, ташкилий-фаолиятга доир компоненти, мусиқа ва ритмика, арт-терапиянинг ўйинли ва рақсли импровизацияси билан ички интеграллашувининг асосланганлиги, мактабгача катта ёшдаги болаларда бадий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикасининг такомиллаштирилганлиги, интеграл фаолиятларни ташкил этишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш, сюжетли-ўйинли ва образлилик асосида бадий-эстетик саҳналаштириш, замонавий арт-терапия имкониятларидан мақбул фойдаланиш орқали репродуктив ва продуктив методларнинг комбинациясини дўстона ижодий фаолиятда тизимли қўллашга доир таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Мактабгача катта ёшдаги болаларда ижтимоий-маданий анъаналар воситасида бадий-эстетик лаёқатни ривожлантиришга доир тадқиқот натижалари асосида:

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадий-эстетик лаёқатни ривожлантириш тузилмасини аниқлаштириш, мотивацион, когнитив, фаолиятга доир компонентларнинг реал шароитда ундовчи, ўқув-билиш, технологик функциясини ривожлантирувчи таълим муҳити билан қайта алоқаси жадаллигини ҳисобга олиш бўйича ишлаб чиқилган услубий тавсиялар Мактабгача таълим вазирлигида «Узлуксиз маънавий тарбия Концепцияси» ва Мактабгача таълимга оид ўқув-меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш амалиётига жорий этилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 02-02/2-1715-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотларида бадий-эстетик фаолиятни маънавий тарбия билан уйғун амалга ошириш имконини берган;

бадий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятларини аниқлаш, мактабгача таълим ташкилотида кластерли ёндашувни жорий этишнинг шахслараро мулоқот, ижтимоий-маданий анъаналарга қизиқиш уйғотиш, диалогик муносабат, ритмик ҳаракатларга муқобиллиги ва мувофиқлигини таъминлашга хизмат қилувчи гендер педагогик элементларни асослаш, ижтимоий-маданий анъаналар воситасида тарбияланувчиларда бадий-эстетик лаёқатни ривожлантириш моделининг ташкилий-фаолиятга доир компонентини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган амалий тавсиялардан ИТД-4-122. “Юксак маънавиятли шахсни шакллантириш тарбия технологиясини ишлаб чиқиш” амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 02-02/2-1715-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача катта

ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш технологиясини қўллаш самарадорлигини ошириш имконини берган;

мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикасини такомиллаштириш, интеграл фаолиятларни ташкил этишнинг ўзига хосликларини ҳисобга олиш, кластерни шакллантириш, сюжетли-ўйинли ва образлилик асосида бадиий-эстетик сахналаштириш, замонавий арт-терапия имкониятларидан мақбул фойдаланиш орқали репродуктив ва продуктив методларнинг комбинациясини дўстона ижодий фаолиятда тизимли қўллашга доир тақлифлардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 391-сонли қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида”ги Низом лойиҳасини тайёрлашда фойдаланилган (Мактабгача таълим вазирлигининг 2020 йил 30 декабрдаги 02-02/2-1715-сон маълумотномаси). Натижада, мактабгача таълим ташкилотларида бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришга йўналтирилган ривожлантирувчи таълим муҳитини қарор топтиришга хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан 1 та ўқув-методик қўлланма чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация иши кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 123 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси баён этилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, шунингдек объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасида маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш долзарб педагогик муаммо эканлиги,

мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг педагогик-психологик хусусиятлари баён этилган.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни бадий-эстетик ривожлантириш мактабгача таълим жараёнини ташкил этишнинг янги педагогик воситаларини аниқлаштиришни талаб этади. Мактабгача ёшдаги бола шахсини ривожлантириш асосида бадий-эстетик маданият муаммоси энг аввало, жамият томонидан аниқ белгилаб берилган: болаларда Ватанга муҳаббат туйғусини, оилага, ўз халқининг миллий, тарихий, маданий қадриятларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни, атроф-муҳитга эҳтиёткор муносабатни шакллантириш; боланинг шахсини шакллантириш, унинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш, ижтимоий тажриба орттиришини таъминлаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги 391-сон қарори 1-илоvasи билан тасдиқланган “Умумий типдаги давлат ва нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари тўғрисида”ги Низом)¹. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигининг 2018 йил 7 июлдаги 4-сонли ҳайъат йиғилиши қарори билан тасдиқланган “Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг ўқув дастурида “Мактабгача ёшдаги болаларга таълим беришда компетенциявий ёндашув ўсиб бораётган бола шахсини ҳаётга тайёрлаш, унда ҳаётий муҳим масалаларни ҳал қилиш учун зарур бўлган, ахлоқий меъёр ва қадриятларни ўзлаштириш, бошқа инсонлар билан мулоқот қилиш, «Мен» образини яратиш билан боғлиқ бўлган фаолият усулларини шакллантиришга тайёргарликни кўзда тутиши”² белгилаб берилган. Жумладан, “Ижодкорлик” соҳасидаги ўқув-тарбиявий фаолият якунига етганидан сўнг 6-7 ёшли бола куйидаги лаёқатларга эга бўлиши кўрсатиб ўтилган: санъат ва маданиятга қизиқишни намоён қилади; миллий анъаналарни қадрлайди ва уларни кундалик ҳаётнинг бир қисми сифатида идрок этади; санъатнинг муайян турини афзал кўришини мустақил равишда ифодалайди; олинган билим ва кўникмалардан турли ҳаётий вазиятларда ўз ижодий режаларини тузиш ва татбиқ қилиш учун фойдаланади; инсоннинг дунёни ўзгартиришдаги яратувчанлик ролини тушунади³.

Ижодий шахсни шакллантириш воситаси сифатида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик лаёқатини ривожлантириш мактабгача таълим ташкилотлари тузилмасида алоҳида ўрин тутди. Бадий-эстетик лаёқатни ривожлантириш инсоннинг воқеликка эстетик муносабатини, шу жумладан, дунёни бадий жиҳатдан англаш, санъат дунёсига ошно этиш, бадий-ижодий қобилиятни, бадий-эстетик қадриятлар тизимини мақсадга йўналтирилган тарзда шакллантиришга имкон беради.

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 13 майдаги “Мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 391-сон Қарори.

² Илк қадам” мактабгача таълим муассасасининг ўқув дастури. – Тошкент, 2018. – Б.9.

³ Ўша манба. - Б.12.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан бири умуминсоний маънавий кадриятларга асосланган дунёни идрок этишини шакллантиришда акс этади. Кўплаб омиллар орасида энг таъсирчан ва самарали омил сифатида санъат муҳим ўрин тутди. Болада бадий-эстетик фаолият жараёнида ижодий хаёлот, фикрлаш, коммуникатив кўникмалар, эмпатия, бошқа инсоннинг нуқтаи назарини қабул қилиш кабилар намоён бўлади ва ривожланади.

Боланинг муайян даражада бадий-эстетик ривожланишига эришиш кўп жиҳатдан у туғилган ва яшаётган педагогик ва умуммаданий омилларга боғлиқ. Боланинг бадий-эстетик ривожланишига кўпроқ эрта таъсир кўрсатиш имконияти мавжуд. Бу энг аввало, бола шахсини жадал ривожлантириш, турли даражадаги ахборотларни идрок этишида унинг психофизиологик ва ёш хусусиятларини ҳисобга олиш, уларни амалий ўзлаштириш қобилиятини таркиб топтириш билан боғлиқ. Болалар уни ўраб турган атроф-муҳитни яхлит ва бир пайтни ўзида идрок этиш, ҳамма кўрганлари ва эшитганларини интуитив ҳис этиш ҳамда эмоционал қабул қилиш қобилиятига эга. Айниқса, атроф-муҳитни сенсор идрок этиш болада илк ривожланиш ёшиданок ривожланади: Б.С.Волков, Л.С.Выготский, Ж.Э.Далькроз, М.В.Ермолаева, К.Ҳ.Раҳимова ва бошқалар. Бола эга бўлган имкониятларни кўлдан чиқармаслик керак, чунки қобилиятларга асос илк ёш давриданок қўйилади. Мазкур ёш даври ақлий ривожланиш учун ижобий таъсир кўрсатиб, болада ижобий ҳис-туйғуларни пайдо қилади.

Боланинг бадий-эстетик қобилиятларини мақсадга йўналтирилган тарзда ривожлантирмаслик шахсинг ҳар томонлама шаклланиши, унинг маънавий ва маданий кадриятлари тизимининг таркиб топишига тўсқинлик қилиб, ўз-ўзига ишонч, мулоқот, ҳаётий жараёнларга мослашувида ишончсизликни келтириб чиқаради.

“Бадий-эстетик лаёқатни ривожлантириш” тушунчасининг кўплаб таърифлари мавжудлига қарамасдан, унинг моҳиятини аниқлаштиришга хизмат қилувчи асосий жиҳатларини ажратиб кўрсатиш мумкин: биринчидан, бола шахсига самарали ижобий таъсир этиш; иккинчидан, болада атроф-оламдаги гўзалликни ҳис этиш, баҳолаш ва яратувчанлик лаёқатини пайдо қилиш; учинчидан, санъат орқали бадий-эстетик нафосатни шакллантириш; тўртинчидан, ижодкорлик ва креатив фикрлашни таркиб топтиришга йўналтирилган мақсадли жараёндир.

Мактабгача катта ёшдаги болаларни бадий-эстетик лаёқатини ривожлантириш ўз навбатида гендер ёндашувни талаб этади.

Таҳлиллар асосида ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларни бадий-эстетик лаёқатини ривожлантиришга гендер ёндашувни татбиқ этишнинг қуйидаги ўзига хосликлари аниқлаштирилди:

1. Демократлик. Болаларга таълим-тарбия бериш ва ижтимоий ҳаётда уларнинг тенг ҳуқуқлигини таъминлайди, улар бири-бирига қарама-қарши қўйилмайди, ҳамкорлик муносабатлари асосида биргаликда ҳаракат қилишади.

2. Табиат билан уйғунлик. Ўғил ва қиз болаларнинг шахсий тенглиги ҳаётий фаолият жараёнида уларнинг биологик ва физиологик ўзига хосликлари ва фарқларини инкор этилишини билдирмайди. Фарқларнинг қабул қилиниши ўз жинсининг вакили сифатида ижтимоий-маданий фаолиятда мактабгача катта ёшдаги болаларнинг қобилиятларини тўлиқ намоён қилишлари учун таълимнинг турли шакл, метод ва воситаларидан фойдаланишни талаб этади;

3. Вақт меъёрларига риоя қилиш. Таълимга гендер ёндашувда тарбиячи ва ота-оналар ҳаракатининг бирлиги муҳим аҳамият касб этади. Мазкур қоида оила билан ўзаро биргаликдаги фаолият таълим ва тарбиянинг мақсад, вазибаларига мос равишда болаларга талаб ва ҳурматнинг бирлиги, бола ҳуқуқларини ҳурмат қилишни талаб этади.

Тадқиқотимизда кластерли ёндашувдан биз методик-технологик даражада фойдаландик.


Кластерли ёндашув асосида ижтимоий-маданий анъаналар билан боғлиқликда бадиий-эстетик фаолият ўзида мазмун, жараёнлар ва шахсий иштирокни таҳлил қилиш ва қўллашни акс эттиради. Ижтимоий-маданий анъаналарнинг хилма-хил турларидан кластерни шакллантириш ҳам таълимий, ҳам тарбиявий жиҳатдан ижобий таъсир кўрсатади.

Мактабгача таълимни кластерли ривожлантириш – бу касбий таълим, илғор ғоялар ва моддий ресурсларни мақсадли бирлаштиришни талаб этувчи мавжуд тизимларнинг истиқболли муқобилидир.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг ижтимоий-маданий анъаналар воситасида бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикасининг компонентлари бизнингча, мотивацион-мақсадга йўналтирилган, мазмунли, когнитив ва ташкилий-технологик компонентларни ўзида акс эттириши лозим.

Диссертациянинг **“Ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг амалий технологик тизими”** деб номланган иккинчи бобида ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш модели, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш методикаси, рақс терапия воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларни бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг педагогик шарт-шароитлари ёритиб берилган.


Тадқиқот жараёнида ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантириш модели мақсадли, методологик, ташкилий-фаолиятга доир, баҳолашга доир, натижавий блокларга асосланган ҳолда ишлаб чиқилди (1-расмга қаранг).



1-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг назарий модели

Мазкур модел очик тизим кўринишига эга бўлиб, мактабгача таълимда бола шахсини ривожлантириш соҳаларига асосланиб, унинг блоклари ва мазмунига ўзгартириш ҳамда қўшимчалар киритиш имконини беради.

Тадқиқот доирасида компетенциявий, гендер ва кластерли ёндашув асосида мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик лаёқатни ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикаси ишлаб чиқилди (2-расмга қаранг).



2-расм. Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш методик тузилмаси.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантиришнинг гендер-кластерли методикасининг компонентлари бизнингча мотивацион-мақсадга йўналтирилган, мазмунли, когнитив ва ташкилий-технологик компонентларни ўзида акс эттириши лозим.

Педагогик шартларни танлаб олиш учун асос сифатида ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик ривожланиш жараёнининг ўзига хослигини аниқлаш, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик ривожланишининг мураккаблик даражасини ҳисобга олиш шартларини танлаб олдик.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, педагогик шартларга биз куйидагиларни киритдик: ижтимоий-маданий анъаналарни ўзида бирлаштирган кластерни шакллантириш; ижтимоий-маданий анъаналарни ҳар томонлама ўрганиш; миллий байрам, маросим ва урф-одатларни рақс ва мусикавий репертуарни сюжетли-ўйинли ва образлилик тамойили асосида, унинг бадиий-тарбиявий аҳамияти, қизиқарлилиги, оммабоплиги ҳамда ёш ва гендер хусусиятларига мос келишини ҳисобга олган ҳолда қўллаш, халқ эртаклари мотивлари бўйича томошаларни ташкил этиш; замонавий арт-терапия имкониятларидан мақбул фойдаланиш.

Инсоннинг маънавий маданиятида ижтимоий-маданий анъаналар алоҳида муҳим ўрин эгаллайди. Ижтимоий-маданий анъаналар эса мусиқа ва рақс орқали ўзининг жозибасини янада ёрқинроқ намоён қилади. Санъатнинг энг қадимий турларидан бири бўлган мусиқа ва рақс санъати ҳар доим халқнинг анъаналари, урф-одатлари, турмуш тарзини акс эттирган. Бир неча минг йиллар олдин яратилган қоятошлардаги суратларда ҳам рақсга тушаётган одамларнинг тасвирлари учрайди. Аммо жамият ўзгариши билан мусиқа ва рақс санъати ҳам ўзгариб борди. У инсоннинг маънавий-ахлоқий салоҳиятини, унинг гўзаллигини, табиат дунёсининг мукамаллиги ва у билан уйғун муносабатни қадрлаш қобилиятини очиб беради.

Ушбу шартнинг ўзига хослиги ижтимоий-маданий анъаналарнинг барча турларидан (фольклор, байрамлар, урф-одатлар, миллий мусиқа ва рақс) узвий фойдаланишдан иборат. Ижтимоий-маданий анъаналарнинг ҳар бир тури шахснинг ҳар томонлама ривожланиши нуқтаи назаридан яққол устунликларга эга. Бироқ уларни умумлаштириб турувчи асос мусиқа ва рақсда янада яққол намоён бўлади. Чунки ижтимоий-маданий анъаналарни ўтказиш мусиқа ва рақсиз амалга ошмайди. Шу ўринда 2020 йил январь ойидан бошлаб мактабгача таълим ташкилотларида хореограф лавозими ҳам жорий этилди. Бу ҳам мактабгача таълим ташкилотларида болаларни ижтимоий-маданий анъаналар, шу жумладан, миллий ва жаҳон мусикаси ҳамда рақс сирлари билан таништириш, уларда Давлат таълим стандартларида белгиланган компетенцияларни таркиб топтириш учун хизмат қилади.

Таълим мазмунини танлашнинг асосий воситаси – бу репертуардир (ўқув материали). У юқори даражадаги мазмун, шунингдек, етарли ҳажм ва хилма-хилликни ўзида мужассам этиши керак.

Педагог ишининг бир қисми бўлган репертуар танлаш таълимнинг мақсади ва вазифалари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, қуйидаги асосларга таянади:

- бадийлик ва қизиқарлилик;
- педагогик мақсадга мувофиқлиги ва тарбиявий ишларни ҳисобга олиниши;
- ижодий мустақиллик принципи ва хореографияда ўқитишни ривожлантириш концепцияси асосида мустақил фаолиятни режалаштириш;
- юқори бадий аҳамиятлилик, мактабгача ёшдаги боланинг индивидуал хусусиятларини (қобилиятлари, билимлари, малакалари, кўникмалари ва бошқалар) ҳисобга олиниши;
- дунёқараш йўналиши ҳамда ривожланишнинг узоқ ва яқин истиқболлари;
- рақс санъатининг ҳақиқий ривожланиш йўлини очиб берадиган тарихийлик принципи.

Қуйидагилар мактабгача катта ёшдаги болаларнинг самарали ва барқарор бадий-эстетик ривожланиши учун рақс репертуарининг манбаи бўлиб хизмат қилиши керак: адабий асарлар (эртактлар, ҳикоялар, шеърлар), мультфильмлар, болалар учун фильмлар, болалар кўшиқлари, табиат образлари, халқ ижодиёти, атроф-муҳит ва одамларнинг ижтимоий ҳаёти, турмуши, болалар ўйини, дўстлик ва спорт мавзулари.

Шунингдек, мактабгача катта ёшдаги болалар томонидан идрок этилиши ва пластик тарзда ижро этилиши мумкин бўлган, уларнинг фантазия ва моторикаларини фаоллаштирадиган, рақс ҳаракатларини эмоционал-ифодалаи ижро этишга чорлайдиган бадий-сифатли мусиқани танлашга эътибор қаратиш керак. Мусиқани танлашда хореографик томошанинг тури ва жанр хусусиятлари, унинг мазмуни, мавзуси, ғояси, лексик материали, рақс образларининг мавжудлиги ва хусусиятларини ҳисобга олиш керак.

Мусиқий-ҳаракатланиш тажрибаси яхшиланиши ва рақс ҳаракатлари захираси ортиши сайин, ижронинг сюжетли-маъновий ва мазмунли жиҳатларини мураккаблаштириб бориш керак: замонавий мультфильмлар ва болалар кўшиқларининг сахналаштирилиши асосида яратилган сюжетли рақслардан фойдаланиш. Болаларнинг ҳаётий тажрибасига яқин мавзулар, репродуктив ва продуктив методларнинг комбинацияси нафақат ижро маҳоратини мустаҳкамлаш ва такомиллаштиришга, балки боланинг ўзини намоён қилиши, ижодий салоҳиятини очиб беришга ва болалар жамоасида дўстона ижодий муҳитни яратишига ёрдам беради.

Болаларни миллий рақсларни (кундалик ва сюжетли) ижро этишга жалб қилиш болаларнинг мусиқий-ҳаракатланиш тажрибасини бойитади, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг гендерли хусусиятларини (ўғил ва қиз болаларда ҳаракатларнинг фарқи) ажратиб кўрсатади.

Мактабгача катта ёшдаги болалар репертуарига классик рақслар, халқ рақслари элементлари, миллий асосга қурилган замонавий рақс

элементларини киритиш керак, бу рақс суратининг хилма-хиллиги тўғрисида тасаввурни шакллантириш, қайта сафланиш қобилияти, ўз танасини эркин бошқариш қобилиятини ривожлантириш, рақс ҳаракатларини ифодали ва эмоционал бажаришга ва ҳ.к. имкон беради.

Биз ўз тадқиқотимизда хореография ва халқ ижодиётининг имкониятларини хореографик томоша шаклида эртак кўринишида бирлаштирдик. Арт-терапия, ритмик ва мусиқий топшириқ, мусобақалашув лаҳзалари, ўйин вазиятлари каби инновацион таълим методларидан фойдаланилди. Ҳаракатлар, мусиқа, костюмлар, декорациялар – буларнинг барчаси болада табиий равишда ахлоқий, эстетик ривожланган шахсни шакллантиради. Ҳаммабоплик, жозибадорлик ва самарадорлик ушбу педагогик шартнинг ишимиздаги асосий йўналишлардан бири эканлигини белгилайдиган ўша сифатлари ҳисобланади.

Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг таълим жараёни мазмуни ва уни ташкил қилиш бўйича меъёрий ҳужжатларда хореография мажбурий соҳа ҳисобланмаслигига қарамасдан, хореографик таълим фаолияти замонавий мактабгача таълим амалиётида кенг тарқалиб келмоқда ва қўшимча таълим сифатида ўқув-тарбиявий жараёнига киритилиб келинмоқда. Бу мактабгача таълим ташкилотларида болаларни бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш тизимида педагогик инновацияларни жорий этиш, мактабгача таълимнинг асосий умумтаълим дастурининг таълим соҳалари билан интеграцияси, мактабгача ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик маданияти соҳасидаги манфаатларини амалга ошириш, болаларнинг табиий ҳаракатланиш фаоллигини қондириш ва уларнинг жисмоний ривожланишидаги кенг тарқалган оғишишлар профилактикасига (гавда тутишини бузилиши, ясси товонлик, семириш ва ҳ.к.) боғлиқ. Мактабгача катта ёшдаги болаларда бадиий-эстетик маданиятни шакллантириш ва тарбиялаш қўшимча таълимнинг педагогик назария ва амалиётнинг устувор йўналиши ҳисобланади, чунки айнан шу ёшда тизимли ҳаракатланиш фаоллигига бўлган қизиқиш, мотивация ва эҳтиёж шаклланади. Хореографик фаолият боланинг эстетик таассуротларининг бой манбаи ҳисобланиб, унинг бадиий “Мен”ини шакллантиради ва бир вақтнинг ўзида танани ҳар томонлама ривожлантиради.

Диссертациянинг **“Мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш самарадорлиги”** деб номланган учинчи бобида мактабгача катта ёшдаги болаларни бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш бўйича тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш методикаси, мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантириш методикасини жорий этиш ва натижалар таҳлили ёритиб берилган.

Тажриба-синов ишларининг мақсади ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадиий-эстетик лаёқатини ривожлантиришни шакллантириш бўйича ишлар моделини амалга оширадиган педагогик шартлар мажмуи самарадорлигини текширишдан

иборат этиб белгиланди. Тажриба-синов ишлари методикаси доирасида мазкур моделни амалга ошириш бўйича тажриба-синов ишларига доир қуйидаги вазифалар белгиланди ва амалга оширилди: 1) мактабгача катта ёшдаги болаларни бадий-эстетик ривожлантиришни шакллантиришнинг диагностика дастурини ишлаб чиқиш; 2) тажриба-синов ишлари натижаларини баҳолашнинг статистик мезонларини танлаш ва асослаш; 3) танланманинг репрезентативлигини асослаш.

Тажриба-синов ишларига Тошкент шаҳри Чилонзор туманидаги 400 ва 407, Тошкент вилоятининг Зангиота тумандаги 9 ва 31, Сурхондарё вилоятининг Термиз шаҳридаги 9, 23 ва 26-сонли мактабгача таълим ташкилотларининг 210 нафар тарбияланувчилар жалб этилди. Улар орасидан тажриба-синов натижаларига ишлов бериш учун тасодифий равишда 5 та гуруҳ шакллантирилди.

Ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик лаёқатини ривожланишининг юқори даражада шаклланганлиги тасодифий омиллар ёки мақсадли йўналтирилган педагогик таъсир остида пайдо бўлган бўлиши мумкин. Тажриба-синов ва назорат гуруҳларида ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги болаларнинг бадий-эстетик ривожланишининг шаклланганлик даражаларидаги фарқ сезиларли бўлса, яъни $\chi^2_{\text{наб}} > \chi^2_{\text{крит}}$ нинг берилган қийматида, χ^2 (хи-квадрат) мезонига кўра, уни тасодифий сабаблар билан изоҳлаб бўлмайди, балки бу махсус ташкил этилган ҳаракатлар натижасидир. Бу шуни англатадики, ижтимоий-маданий анъаналар воситасида мактабгача катта ёшдаги тарбияланувчиларнинг бадий-эстетик лаёқатини ривожланиши моделининг биз назарий жиҳатдан асослаб берган педагогик шартлари зарур ва етарлидир.

2-жадвалда асословчи босқичда фаразни текшириш натижалари келтирилган.

2-жадвал

Асословчи босқич натижалари статистик таҳлили

Гуруҳ	Респондентлар сони	I	II	III	$\chi^2_{\text{набл. I}}$	$\chi^2_{\text{крит.}}$
ТГ-1	25	21	4	0	0,19	5,99
НГ	27	23	4	0		
ТГ-2	27	21	6	0	0,857	5,99
НГ	27	23	4	0		
ТГ-3	26	21	5	0	0,39	5,99
НГ	27	23	4	0		
ТГ-4	28	22	6	0	0,71	5,99
НГ	27	23	4	0		
ТГ-4	28	22	6	0	0,71	5,99

ТГ-1	25	21	4	0		
ТГ-4	28	22	6	0	0,045	5,99
ТГ-2	27	21	6	0		
ТГ-4	28	22	6	0	0,21	5,99
ТГ-3	26	21	5	0		

